Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 125 (3626)
3 ШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҲАР СОҲАДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Кеча шаҳар партия комитетининг мажлислар залида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг XIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари шаҳар партия ташкилотларининг КПСС XXV съезди талаблари асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини комплекс ҳал этишни амалга ошириш бўйича фаолиятини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов доклад қилди.

Съезд қарорларини ҳаётга жорий эта бориб, деди у, шаҳар партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий ишлар, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик таъминлаш масалаларини оғишмай ҳал этмоқдалар. Уларни муваффақиятли амалга оширишда идеология ишига комплекс ёндошиш самарали восита ҳисобланади. Бу шаҳар, район ва меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий ривожланиш истиқболли планларида ўз ифодасини топган. Идеология ишига комплекс ёндошиш планлари барча бошланғич партия ташкилотларида мавжуд. Уларда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий билимини оширишга марказий ўрин ажратилган.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажараборгач, сиёсий маориф системасини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишларни қилдилар. Пойтахт меҳнаткашларининг 80 процентга яқини марксча-ленинча назарияни ва партия ҳужжатларини ўрганишмоқда. Партия ва иқтисодий ўқувнинг барча формалари ва звеноларида шуғулланаётган тингловчиларнинг сони бу йил 400 минг кишига яқин.

Марксча-ленинча назарияни ўрганиш янги сифатларни кашф этди. Айниқса СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларини, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали юбилей мажлиси материалларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига сафари вақтидаги нутқларини, Леонид Ильичнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларини ўрганиш машғулотлар мазмунини бойитиб юборди.

Шаҳар партия ташкилотлари партия ўқувини янада такомиллаштириш соҳасидаги ишларда меҳнат ва ижтимоий активликнинг янада юксалишига ёрдам бериши, амалий вазифаларни ҳал этиш билан янада мустаҳкам алоқада бўлиши учун машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада Киров район партия ташкилотларида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Район партия комитети ўқувнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Энг яхши пропагандистларнинг тажрибаларини умумлаштириб, жорий этмоқда.

Шаҳарнинг қатор партия ташкилотларида ўтказилган социологик тадқиқотлар тингловчилар бу йил ўқув жараёнида активроқ иштирок этаётганлигини кўрсатмоқда. Тингловчиларнинг кўпчилиги рефератлар тайёрлашди, амалий топшириқларни бажаришди, ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишяпти.

Назария ва практиканинг бирлиги иқтисодий таълим системасида яққол мужассамланмоқда. Бу йилги ўқув йилида пойтахтнинг 178 мингдан зиёд меҳнатчилари ўз иқтисодий билимларини оширишяпти. Масалан, Ленин район партия ташкилотларида иқтисодий таълимнинг барча тингловчилари ижтимоий ишлаб чиқариш ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақада актив иштирок этишмоқда. Оммавий иқтисодий таълим системаси социалистик хўжалик юритиш практикасини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг ички резервларини сафарбар этиш, мусобақанинг таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди.

Раҳбар ва идеологик кадрларни сиёсий ва профессионал тайёрлаш такомиллашиб боряпти. Бунда марксизм-ленинизм университети муҳим ўрин эгаллайди. Университетнинг икки факультети ва 17 филиалида 4413 тингловчи ўқимоқда, 7320 киши раҳбар кадрларнинг 76 шаҳар ва район семинарларида шуғулланишмоқда.

Кўпчилик партия комитетлари пропагандист кадрлар билан ишлашни яхшилашди. Пропагандистларнинг 50 процентга яқини марксизм-ленинизм университетини битирди. Идеология фронти жангчилари сафида 2380 раҳбар ходим, 7 минг халқ хўжалиги мутахассислари, 1180 олим бор. Мактаб ва назарий семинарларнинг 4 минг раҳбари «Пропагандист— беш йилликка» ҳаракатида иштирок этмоқда.

Масалан, Фрунзе район партия ташкилотларида пропагандист кадрлар билан ишлаш соҳасида яхши тажриба тўпланган. Район партия комитети ҳузурида идеология активистларининг 9 доимий семинари ишлаб турибди. Сиёсий маориф кабинети ҳузуридаги методик совет энг яхши пропагандистларнинг тажрибаларини умумлаштириб, кенг ёймоқда.

Ғоявий-тарбиявий ишларга комплекс ёндошиш воситалари қаторида лекция пропагандасига муҳим ўрин ажратилган. Ўтган йили партия комитетлари ва «Билим» жамияти ташкилотлари лекторлари томонидан 135 мингдан зиёд лекция ва докладлар қилинди. Халқ университетларининг роли ошди. Ҳозир ана шу университетларда 40 мингдан зиёд тингловчи шуғулланмоқда. Лекция пропагандаси мусобақани кенгайтиришга, ташаббускорликни оширишга, илғор тажрибаларни кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу соҳада совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналаридан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Меҳнаткашларда ватанпарварлик, интернационализм, ўз Ватани билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда интернационал дўстлик клублари, халқлар дўстлиги кечалари ва ҳафталиклари, кардош маданият кунлари каби формалардан кенг фойдаланиш керак.

Меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндошишда оммавий-сиёсий ишларга муҳим ўрин ажратилади. Бу иш билан ҳозирда 665 сиёсий докладчи, 11,5 минг сиёсий ахборотчи, 25 минг агитатор шуғулланмоқда. Агитатор кадрларни тайёрлаш ва тайёрлаш яхшиланди. Партия ташкилотларининг бурчи бундан буён ҳам оммавий агитация ишларининг таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Социалистик мусобақа меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг самарали воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ҳозир мусобақада пойтахтимизнинг 240 мингдан зиёд меҳнатчиси иштирок этмоқда. 100 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлган. 25 корхона, 340 цех, 2250 бригада коллективларига шундай ном берилган. Кўп жиҳатдан актив пропаганда ишлари туфайли ватанпарварлик ташаббуслари кенг ёйилди. Жумладан, 450 илғор ишчи беш йиллик топшириқни бажариб бўлди, пойтахтнинг 75 мингдан зиёд меҳнатчиси СССР Конституциясининг йиллигигача уч йиллик планни муддатидан илгари бажарish учун курашмоқда.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда социалистик мусобақанинг ролини оширишга эришиб, илғорлар тажрибасининг кенг ёйилишига катта эътибор бермоқда. Ғоявий ишнинг барча воситалари, форма ва усуллари ана шунга қаратилган. Мусобақа партия иқтисодий сиёсатининг туб масалалари билан нақадар мустаҳкам боғлиқ бўлса, унинг тарбиявий восита сифатидаги роли шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун партия ташкилотлари мусобақа қатнашчиларининг ғайрат шижоатини биринчи навбатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга сафарбар этишлари лозим.

Ахлоқий тарбия коммунистик тарбиянинг таркибий қисмидир. Шаҳар партия ташкилотлари бу соҳада катта ишларни олиб боришяпти. Шу билан бирга аҳолининг ёши, ижтимоий-касб группаларини ҳисобга олган ҳолда уни яхшилаб бориш лозим. Бу ишда коллективнинг фикри, матбуот, пропаганда воситалари, ишонтириш усулларидан кенг фойдаланиш керак.

Раҳбарларнинг ахлоқий қиёфасига нисбатан айниқса юксак талаблар илгари сурилади. Уларда партиявийлик чуқур ваколатлилик билан, интизомлилик ишга ижодий ёндошиш билан уйғунлашиб кетиши керак. Раҳбарнинг шахсий намунаси, унинг сўзи билан иши бир эканлиги ҳамма нарсадан кўпроқ ишонтиради.

Докладчи ғоявий-тарбиявий ишларга комплекс ёндошишни тасдиқлаш тўғрисида гапириш билан бирга бир қатор камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш зарурлиги, меҳнаткашларнинг турли категориясига оқилона муносабатда бўлиш, ёшлар ўртасидаги тарбия ишларини такомиллаштириш зарурлигига эътиборни жалб этди. Таъкидлаб ўтилдики, шаҳар партия ташкилотлари социалистик мусобақани меҳнат тарбиясининг муҳим омили сифатида янада ривожлантиришлари, идеология кадрларини тайёрлаш савиясини ошириш, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг янги-янги шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш лозим.

Шаҳар партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларида талаб қилинганидек меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг барча ишларини янада яхшилайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар,— деди М. Ф. Солдатов докладининг ниҳоясида.

Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан бўлган музокараларда Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Ҳамза район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова, Агрегат заводининг слесарь-пайвандчиси Н. Н. Байдаков, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари Б. А. Мамонтов сўзга чиқдилар. Улар партия ва комсомол ташкилотларининг идеология ишларига комплекс ёндошишни таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. ҳал қилинмаган масалаларга эътиборни жалб этдилар, тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Пленумда шунингдек Тошкент шаҳри социал-иқтисодий ривожланиши комплекс планининг асосий йўналишларини амалга оширишда ва КПСС XXV съезди талаблари асосида қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилашда «Главташкентстрой» раҳбар кадрларининг роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев доклад қилди.

Бизнинг ҳаммамиз партия ва ҳукуматимизнинг шаҳарсозликни янада ривожлантириш борасида кундалик ғамхўрлигини гувоҳимиз, деди докладчи. Тошкентда кенг кўламда олиб борилаётган қурилиш ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Биргина ўнинчи беш йиллик да 2,5 миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланган. Буларнинг ҳаммаси «Главташкентстрой» н и н г барча қурувчилари ва раҳбарлиги зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бош бошқармани нинг кўп минг кишилик коллективлари барча бўлинмаларнинг партия ташкилотлари раҳбарлиги остида дурустнатижаларга эришмоқдалар. Қурилишнинг техника даражаси анчагина яхшиланди, унинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди.

«Главташкентстрой» коллективи пудрат ишлари ва ўз кучлари билан қурилиш ишларининг умумий ҳажми бўйича беш йилликнинг икки йиллик планини муваффақиятли бажарди. 1978 йилнинг беш ойлик программаси ҳам ошириб бажарилди. Шу билан бирга, қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ҳамма тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилгани йўқ. Ана шу ишларни такомиллаштиришда раҳбар кадрлар — партия, касаба союз, комсомол, хўжалик, инженер-техник ташкилотларининг раҳбар кадрлари ва ходимлари зиммасига юкланади. Тошкентнинг социал-иқтисодий ривожланиши комплекс плани бўйича шаҳар партия ташкилоти ишлаб чиққан вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш бу кадрларнинг ишчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.

«Ташинжстрой», «Висотстрой», 159- ва бошқа трестларнинг раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари бу борада оқилона иш юритмоқдалар. Улар қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаб ва кенг ёйиб шу нарсага эришдиларки, қатор бригадалар беш йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар, кўпгина коллективлар уч йиллик планни СССР Конституциясининг йиллигига бажариш мажбуриятини олдилар.

Бош бошқарманинг қурилишларида свердловскликларнинг «Бригадаларнинг беш йиллик топшириғи — кам куч билан» деган ташаббуси кенг оммалашмоқда. «Главташкентстрой»нинг 3500 кишидан иборат бўлган 170 та бригадаси коллективлари ана шу шиорнинг издошлари бўлдилар.

Бош бошқарма раҳбар кадрларининг диққат марказида рационализаторликни янада ривожлантириш масалалари турибди. Биргина ўтган йилнинг ўзида новаторлар иқтисодий фойдаси 3,3 миллион сўмдан иборат бўлган 1200 та рационализаторлик таклифини киритдилар.

Раҳбар кадрлар ва барча қурувчиларнинг касб, сиёсий ва иқтисодий ўқувига катта эътибор берилмоқда. Бу коллективларга илғор тажриба, меҳнатнинг янги методларидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Масалан, қатор қурилишлар ва корхоналарда бетондан тайёрланадиган конструкциялар ва буюмлар, биноларни пардозлашнинг қуруқ материалларини тайёрлашнинг янада такомиллашган технологияси бўлган жадаллаштирилган монтаж усули қўлланилмоқда. Қурилишларда бир қатор янги такомиллашган материаллар, ускуналар оқилона ишлатилмоқда.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларда топширилган ишга масъулият ҳиссини тарбиялаш борасида ишлар доимий олиб борилмоқда. «Главташкентстрой» коллегиясининг йиғилишларида планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли реализация қилишда инженер-техник ходимларнинг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар мунтазам кўриб чиқилмоқда.

1976 йилга нисбатан Бош бошқармада дипломли мутахассисларнинг сони 135 кишига кўпайди. Раҳбарлик ишига тажрибали кадрлар билан бирга ёш мутахассислар ҳам тайинланмоқда. Қурилиш ташкилотлари ва корхоналарнинг кўпчилик раҳбарлари «Главташкентстрой» коллективининг сафларида тарбияланганлар.

Беш йиллик бошидан буён 3 мингдан зиёд раҳбар ва инженер техник ходимлар ўзларининг малакаларини оширдилар. Ишлаб чиқариш участкаларининг мастерларини танлаш, жой жойига қўйиш ва тарбиялаш, уларнинг касб ва умумий таълим билимини ошириш, юксак самарали меҳнат учун зарур шароитларни яратиш бўйича конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга докладда «Главташкентстрой» коллективининг, унинг раҳбар кадрларининг янада самарали ишлашига ҳалал бераётган сабаблар бирма-бир кўрсатиб ўтилди. Дойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг ҳаракатда ўзаро келишиб олмаслиги, топширилаётган объектларнинг сифати юксак эмаслиги, бригада пудрати методини етарли оммалаштирилмаётганлиги, илғор технология жараёнларини асосланмаган сабаблар билан секин татбиқ этилиши, қатор план кўрсаткичлари бўйича орқада қолиш сингари камчиликларга диққат жалб этилди.

Докладчи 1978 йилда «Главташкентстрой» меҳнатчилари олдида турган вазифаларни характерлаб берди. 785 минг квадрат метр уй-жой, 11700 ўқувчи ўринли мактаблар 6500 ўринли болалар боғчалари, юздан ортиқ саноат маданий-маиший ва коммунал хўжалик объектлари қурилиб фойдаланишга топширилиши лозим. Ишда муваффақиятга эришиш Бош бошқарма раҳбар кадрларининг ҳар бир участкада тартиб ва интизомни ошириш, материаллар ва энергетика ресурсларидан ўринли фойдаланиш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш, қурилишнинг илғор тажрибасини оммалаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан бўлган музокараларда Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев, 1-уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи Н. Х. Орипов, 153-қурилиш трести бош инженерининг ўринбосари Н. И. Муренченко шаҳар архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи С. Р. Одилов, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси Г. В. Аванесов сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленуми белгилаб берган вазифалар асосида саноатда бошқаришни ва план интизомини мустаҳкамлашни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилган шаҳар партия комитетининг VI пленуми қарорларининг бажарилиши тўғрисида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов ахборот берди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев иштирок этди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўшма баёнот имзоланди

ПРАГА, 2 июнь. (ТАСС). Бугун Прага Градида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги ЧССР партия-ҳукумат делегацияси билан олиб борган музокаралари ниҳоясига етди.

Музокаралар тугаганидан кейин КПСС билан ЧКП ўртасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнот тантанали вазиятда имзоланди.

Баёнотни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев; Чехословакия Социалистик Республикаси номидан — ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак имзоладилар.

Баёнотни имзолаш чоғида Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари: КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. В. Мацкевич ҳозир бўлдилар. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ҳам ҳозир бўлдилар.

Чехословакия томонидан ЧССР партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари — ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Л. Штроугал, В. Биляк, И. Кемпний, П. Ленарт, В. Гула, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупск, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ч. Ловетинский ҳозир бўлдилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ЧССРНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ПРАГА, 2 июнь. (ТАСС). Бугун ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга ЧССРнинг олий давлат мукофоти — Клемент Готвальд орденини топширди.

Прага Градидаги тантанали маросимда Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлари — ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиум аъзолигига кандидатлари, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари ва секретариат аъзолари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети ва и н г аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. В. Мацкевич иштирок этдилар. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларини, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали юбилей мажлиси материалларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига сафари вақтидаги нутқларини, Леонид Ильичнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларини ўрганиш машғулотлар мазмунини бойитиб юборди.

Шаҳар партия ташкилотлари партия ўқувини янада такомиллаштириш соҳасидаги ишларда меҳнат ва ижтимоий активликнинг янада юксалишига ёрдам бериши, амалий вазифаларни ҳал этиш билан янада мустаҳкам алоқада бўлиши учун машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада Киров район партия ташкилотларида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Район партия комитети ўқувнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Энг яхши пропагандистларнинг тажрибаларини умумлаштириб, жорий этмоқда.

Шаҳарнинг қатор партия ташкилотларида ўтказилган социологик тадқиқотлар тингловчилар бу йил ўқув жараёнида активроқ иштирок этаётганлигини кўрсатмоқда. Тингловчиларнинг кўпчилиги рефератлар тайёрлашди, амалий топшириқларни бажаришди, ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишяпти.

Назария ва практиканинг бирлиги иқтисодий таълим системасида яққол мужассамланмоқда. Бу йилги ўқув йилида пойтахтнинг 178 мингдан зиёд меҳнатчилари ўз иқтисодий билимларини оширишяпти. Масалан, Ленин район партия ташкилотларида иқтисодий таълимнинг барча тингловчилари ижтимоий ишлаб чиқариш ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақада актив иштирок этишмоқда. Оммавий иқтисодий таълим системаси социалистик хўжалик юритиш практикасини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг ички резервларини сафарбар этиш, мусобақанинг таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди.

Раҳбар ва идеологик кадрларни сиёсий ва профессионал тайёрлаш такомиллашиб боряпти. Бунда марксизм-ленинизм университети муҳим ўрин эгаллайди. Университетнинг икки факультети ва 17 филиалида 4413 тингловчи ўқимоқда, 7320 киши раҳбар кадрларнинг 76 шаҳар ва район семинарларида шуғулланишмоқда.

Кўпчилик партия комитетлари пропагандист кадрлар билан ишлашни яхшилашди. Пропагандистларнинг 50 процентга яқини марксизм-ленинизм университетини битирди. Идеология фронти жангчилари сафида 2380 раҳбар ходим, 7 минг халқ хўжалиги мутахассислари, 1180 олим бор. Мактаб ва назарий семинарларнинг 4 минг раҳбари «Пропагандист— беш йилликка» ҳаракатида иштирок этмоқда.

Масалан, Фрунзе район партия ташкилотларида пропагандист кадрлар билан ишлаш соҳасида яхши тажриба тўпланган. Район партия комитети ҳузурида идеология активистларининг 9 доимий семинари ишлаб турибди. Сиёсий маориф кабинети ҳузуридаги методик совет энг яхши пропагандистларнинг тажрибаларини умумлаштириб, кенг ёймоқда.

Ғоявий-тарбиявий ишларга комплекс ёндошиш воситалари қаторида лекция пропагандасига муҳим ўрин ажратилган. Ўтган йили партия комитетлари ва «Билим» жамияти ташкилотлари лекторлари томонидан 135 мингдан зиёд лекция ва докладлар қилинди. Халқ университетларининг роли ошди. Ҳозир ана шу университетларда 40 мингдан зиёд тингловчи шуғулланмоқда. Лекция пропагандаси мусобақани кенгайтиришга, ташаббускорликни оширишга, илғор тажрибаларни кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу соҳада совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналаридан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Меҳнаткашларда ватанпарварлик, интернационализм, ўз Ватани билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бунда интернационал дўстлик клублари, халқлар дўстлиги кечалари ва ҳафталиклари, кардош маданият кунлари каби формалардан кенг фойдаланиш керак.

Меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндошишда оммавий-сиёсий ишларга муҳим ўрин ажратилади. Бу иш билан ҳозирда 665 сиёсий докладчи, 11,5 минг сиёсий ахборотчи, 25 минг агитатор шуғулланмоқда. Агитатор кадрларни тайёрлаш ва тайёрлаш яхшиланди. Партия ташкилотларининг бурчи бундан буён ҳам оммавий агитация ишларининг таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Социалистик мусобақа меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг самарали воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ҳозир мусобақада пойтахтимизнинг 240 мингдан зиёд меҳнатчиси иштирок этмоқда. 100 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлган. 25 корхона, 340 цех, 2250 бригада коллективларига шундай ном берилган. Кўп жиҳатдан актив пропаганда ишлари туфайли ватанпарварлик ташаббуслари кенг ёйилди. Жумладан, 450 илғор ишчи беш йиллик топшириқни бажариб бўлди, пойтахтнинг 75 мингдан зиёд меҳнатчиси СССР Конституциясининг йиллигигача уч йиллик планни муддатидан илгари бажарish учун курашмоқда.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда социалистик мусобақанинг ролини оширишга эришиб, илғорлар тажрибасининг кенг ёйилишига катта эътибор бермоқда. Ғоявий ишнинг барча воситалари, форма ва усуллари ана шунга қаратилган. Мусобақа партия иқтисодий сиёсатининг туб масалалари билан нақадар мустаҳкам боғлиқ бўлса, унинг тарбиявий восита сифатидаги роли шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун партия ташкилотлари мусобақа қатнашчиларининг ғайрат шижоатини биринчи навбатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга сафарбар этишлари лозим.

Ахлоқий тарбия коммунистик тарбиянинг таркибий қисмидир. Шаҳар партия ташкилотлари бу соҳада катта ишларни олиб боришяпти. Шу билан бирга аҳолининг ёши, ижтимоий-касб группаларини ҳисобга олган ҳолда уни яхшилаб бориш лозим. Бу ишда коллективнинг фикри, матбуот, пропаганда воситалари, ишонтириш усулларидан кенг фойдаланиш керак.

Раҳбарларнинг ахлоқий қиёфасига нисбатан айниқса юксак талаблар илгари сурилади. Уларда партиявийлик чуқур ваколатлилик билан, интизомлилик ишга ижодий ёндошиш билан уйғунлашиб кетиши керак. Раҳбарнинг шахсий намунаси, унинг сўзи билан иши бир эканлиги ҳамма нарсадан кўпроқ ишонтиради.

Докладчи ғоявий-тарбиявий ишларга комплекс ёндошишни тасдиқлаш тўғрисида гапириш билан бирга бир қатор камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш зарурлиги, меҳнаткашларнинг турли категориясига оқилона муносабатда бўлиш, ёшлар ўртасидаги тарбия ишларини такомиллаштириш зарурлигига эътиборни жалб этди. Таъкидлаб ўтилдики, шаҳар партия ташкилотлари социалистик мусобақани меҳнат тарбиясининг муҳим омили сифатида янада ривожлантиришлари, идеология кадрларини тайёрлаш савиясини ошириш, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг янги-янги шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш лозим.

Шаҳар партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларида талаб қилинганидек меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг барча ишларини янада яхшилайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар,— деди М. Ф. Солдатов докладининг ниҳоясида.

Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан бўлган музокараларда Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Ҳамза район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова, Агрегат заводининг слесарь-пайвандчиси Н. Н. Байдаков, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари Б. А. Мамонтов сўзга чиқдилар. Улар партия ва комсомол ташкилотларининг идеология ишларига комплекс ёндошишни таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. ҳал қилинмаган масалаларга эътиборни жалб этдилар, тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Пленумда шунингдек Тошкент шаҳри социал-иқтисодий ривожланиши комплекс планининг асосий йўналишларини амалга оширишда ва КПСС XXV съезди талаблари асосида қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилашда «Главташкентстрой» раҳбар кадрларининг роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев доклад қилди.

Бизнинг ҳаммамиз партия ва ҳукуматимизнинг шаҳарсозликни янада ривожлантириш борасида кундалик ғамхўрлигини гувоҳимиз, деди докладчи. Тошкентда кенг кўламда олиб борилаётган қурилиш ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Биргина ўнинчи беш йиллик да 2,5 миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланган. Буларнинг ҳаммаси «Главташкентстрой» н и н г барча қурувчилари ва раҳбарлиги зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бош бошқарманинг кўп минг кишилик коллективлари барча бўлинмаларнинг партия ташкилотлари раҳбарлиги остида дурустнатижаларга эришмоқдалар. Қурилишнинг техника даражаси анчагина яхшиланди, унинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди.

«Главташкентстрой» коллективи пудрат ишлари ва ўз кучлари билан қурилиш ишларининг умумий ҳажми бўйича беш йилликнинг икки йиллик планини муваффақиятли бажарди. 1978 йилнинг беш ойлик программаси ҳам ошириб бажарилди. Шу билан бирга, қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ҳамма тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилгани йўқ. Ана шу ишларни такомиллаштиришда раҳбар кадрлар — партия, касаба союз, комсомол, хўжалик, инженер-техник ташкилотларининг раҳбар кадрлари ва ходимлари зиммасига юкланади. Тошкентнинг социал-иқтисодий ривожланиши комплекс плани бўйича шаҳар партия ташкилоти ишлаб чиққан вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш бу кадрларнинг ишчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.

«Ташинжстрой», «Висотстрой», 159- ва бошқа трестларнинг раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари бу борада оқилона иш юритмоқдалар. Улар қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаб ва кенг ёйиб шу нарсага эришдиларки, қатор бригадалар беш йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар, кўпгина коллективлар уч йиллик планни СССР Конституциясининг йиллигига бажариш мажбуриятини олдилар.

Бош бошқарманинг қурилишларида свердловскликларнинг «Бригадаларнинг беш йиллик топшириғи — кам куч билан» деган ташаббуси кенг оммалашмоқда. «Главташкентстрой»нинг 3500 кишидан иборат бўлган 170 та бригадаси коллективлари ана шу шиорнинг издошлари бўлдилар.

Бош бошқарма раҳбар кадрларининг диққат марказида рационализаторликни янада ривожлантириш масалалари турибди. Биргина ўтган йилнинг ўзида новаторлар иқтисодий фойдаси 3,3 миллион сўмдан иборат бўлган 1200 та рационализаторлик таклифини киритдилар.

Раҳбар кадрлар ва барча қурувчиларнинг касб, сиёсий ва иқтисодий ўқувига катта эътибор берилмоқда. Бу коллективларга илғор тажриба, меҳнатнинг янги методларидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Мас

ҲАР БИР УЙ НАМУНАЛИ ТАРТИБДА БЎЛСИН

◆ БУГУНГИ УЙ-ЖОЙНИНГ ҲОВЛИСИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК? ◆ ЖАМОАТЧИЛИК КЎП ИШГА ҚОДИР. ◆ ТУРАР ЖОЙЛАРДА ЕШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА.



● *Уй-жой фондига — муҳим эътибор*

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ МУҲИМ РОЛИ

Замонавий уйлар истиқомат қилувчиларни иссиқ ва совуқ сув билан, марказий иситиш, газ ва электр таъминоти, мўътадил ҳаво воситалари, лифт ва ҳоказолар билан таъминлаш мақсадида жуда мураккаб ва рангбаранг жиҳозланмоқда. Шу муносабат билан уй ва инженерлик ускуналари баъзи участкаларини автоматлаштириш, шунингдек бир неча уйлар группасини бошқаришнинг марказий пультини ташкил этиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этяпти. Жумладан, булар орасида лифт хўжалигини бошқариш юзасидан диспетчерлик пультини ташкил этиш ишлари шаҳарнинг барча районларида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли 63 ташкилотда 7 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Бироқ бу хўжалик шунчалик каттаки, жамоатчиликнинг актив иштироки ва ёрдамисиз улар ишини самарали ташкил этиш мутлақо мумкин эмас.

Айниқса, П. Расулов бошчилик қилаётган 47-ЖЭК коллективи ойдан-ойга катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бу муваффақиятнинг сири жамоатчилик билан узвий алоқададир. Шунинг учун ҳам бу ерда барча тадбирлар кишиларнинг ғоят активлигига таяниб олиб борилмоқда.

Шаҳарда икки ойлик ўтказилиши муносабати билан умумий майдони 6 миллион квадрат метр бўлган ҳовли тартибга келтирилди. 450 километр сувориш тармоқлари тозаланди, 125 минг дарахт ва бута кўчатлари, 300 минг туп гул ўтқазилди. Энг муҳими шундаки 1978—1979 йилларнинг кузги-қишки даврида ишлаш шароитига уй-жой фондини тайёрлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ҳар бир уй-жой идораси ва уй-жой бошқармаси «Правда» газетасининг 18 май сонида босилган «Уй-жой жамоатчилиги» бош мақоласини амалий иш программаси сифатида қабул қилди. Бу бош мақолани ҳар бир коллектив муҳокама қилди ва қизғин маъқуллади. Бу бош мақолада келтирилган қоида ва хулосалар ишда янги-янги резервларни қидириб топишга, турар жой фондини асраш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда жамоатчиликнинг фаолиятини янада активлаштиришга ёрдам бермоқда. Шу мақсадда шаҳар уй-жой бошқармаси уй комитетларининг активи йиғилишида шаҳар уй комитетларининг совети тузилди. Унинг составига пойтахтимизнинг барча районлари ва энг муҳим участкаларидан 25 киши кирди. Бу совет умумхалқ мулки — турар жой фондини асрашга қаратилган ишларни координация қилади ва йўналтириб боради.

У. РИЗАЕВ,
шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

Шаҳар уй-жой бошқармаси жамоатчи уй комитетлари активларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида уй комитетларининг умумшаҳар Совети сайланди, янги ташкил этилган Советнинг фаолияти ва вазифалари ҳақида Низом қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ УМУМШАҲАР УЙ КОМИТЕТЛАРИ ЖАМОАТ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. Тошкент шаҳар Совети уй-жой бошқармаси ҳузуридаги умумшаҳар уй комитетлари жамоат совети Тошкент шаҳридаги уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари территориясидаги уй комитетлари ишига раҳбарликни яхшилаш ва улар фаолиятини активлаштириш мақсадида ташкил этилди ва у жамоатчилик асосида иш олиб боради.

Умумшаҳар уй комитетлари жамоат совети ҳамма жойда уй комитетлари ишини яхшилашга кўмаклашади, уй-жой фондини асрашни таъминлаш, ободонлаштириш, квартираларни асраш ва улардан фойдаланишни яхшилашга жамоатчиликни кенг жалб этади.

2. Жамоат совети ўзининг амалий иш фаолиятида «Давлат фондидаги уй комитетлари тўғрисида Низом», Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва касаба союз органлари қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамоат Совети ўз ишларини шаҳар ва район халқ депутатлари Советлари доимий комиссиялари, касаба союз ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширади. Жамоат советларига методик раҳбарликни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси амалга оширади.

ЖАМОАТ СОВЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ИШ ТАРТИБЛАРИ

1. Жамоат совети шаҳардаги уй комитетлари аъзоларининг умумий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан 25—30 кишилик составда икки йил муддатга сайланади.

2. Жамоат совети ўз составида раис, икки ўринбосар ва секретарь сайлайди, ҳамда қуйидаги секцияларни ташкил этади:

— уй-жой фондидан фойдаланиш ва унн асраш;

— болалар ва ўсмирлар билан ишлаш;

— ободончилик;

— уй-жой фондини капитал ва жорий ремонт қилиш;

ЖАМОАТ СОВЕТИ ЗИММАСИГА ҚУЙИДАГИЛАР ЮКЛАТИЛАДИ:

— уй комитетларига ишни ташкил этиш ҳамда давлат уй-жой фондидаги уй комитетлари тўғрисида Низомда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш;

— уй комитетлари ишидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;

— уй-жой бошқармаларига, касаба союз органларига турар жой фондини сақлаш ва асраш, ободонлаштириш, санитария, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш, шунингдек уй комитетларига алоҳадор бошқа масалалар бўйича тавсиялар тақдим этиш;

— уй комитетларининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича йиғилишлар, семинарлар ташкил этиш;

— гражданларнинг уй комитетлари ишн юзасидан шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқишда қатнашиш.

Жамоат совети Тошкент шаҳар Совети уй-жой бошқармаси билан келишилган квартал планлари бўйича иш олиб боради.

Жамоат Совети йиғилиши составининг камида ярми бўлгандагина ҳуқуқий кучига эга ва протокол билан расмийлаштирилади, унга раис ва секретарь имзо чекади. Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Жамоат совети ўз иши тўғрисида уй комитетлари умумшаҳар йиғилишида йилига бир мартадан кам бўлмаган ҳолда ҳисоб бериб туради.


Жамоат совети ўз вакиллари орқали уй-жой бошқармасининг техник советлари мажлиси ва йиғилишларида ўзига алоқадор масалаларни кўриб чиқишда қатнашади.

Жамоат советининг ҳужжатларини расмийлаштиришни унинг секретари олиб боради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси жамоат советига зарур моддий-техника ёрдамини кўрсатади ва бино билан таъминлайди.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ, УЛАРНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ ВА ДАМ ОЛИШИ ТЎҒРИСИДА, МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИ БЎШ ВАҚТЛАРИДАН ЎЗИ УЧУН ВА ЖАМИЯТ УЧУН ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН ТАРЗДА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ — СОЦИАЛ СИЁСАТИМИЗНИНГ ЖУДА КАТТА АСОСИДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.



24-уй ёнида жойлашган мана бу болалар майдончаси Марказ—4 кварталида истиқомат қиладиган ничкинтойларнинг энг севимли майдонидир.

— Кварталимизда шундай майдончалардан тўрттаси бор, — ҳикоя қиладн Киров районидаги 10-ЖЭКнинг бошлиғи И. Жамолитдинов, — Уларнинг ҳаммаси ўз вақтида ремонт қилинди, соябонлар, арғимчоқлар ўрнатилди, болаларнинг бу ерда қувнаб ўйнаши учун педагог-ташкилотчимиз В. Крестников кўп ишларни қиляпти.

В. Ковреин фотоси.

● *Аҳоли турар жойларида*

АКТИВЛАР ЁРДАМИДА

Ленин районидаги «Марказ-7» кварталидаги уй комитетлари жамоатчилик билан ишлашда маълум тажрибе тўплашган. Тадбирлар плани ишлаб чиқилаётганда фақат амлга оширилиши мумкин бўлган тадбирларгина тасдиқланади. Шунинг учун ҳам секцияларга раҳбарлик қилиш бевосита уй комитетлари ишларининг самарали бўлишидан манфаатдор бўлган кишиларга топширилади. Микрорайонда истиқомат қилаётган ёшлар орасида уй комитетининг аъзоси, спорт секциясининг раҳбари М. Кагарлицкий катта ҳурмат қозонган. Унинг бевосита раҳбарлигида болалар спорт майдончаси қурншиб, уни сим тўр билан тўсишди. Кейин эса бу ерда футбол билан мунтазам шуғуллане бошладилар.

Шу ўринда Кагарлицкийнинг мутахассислиги, меҳрибончилиги, ташкилотчилик ҳислатлари кўл келди. Ҳозир 16-ЖЭКда тўртта кубок сақланмоқда. Бу микрорайонда яшаётган ёшларнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқларининг натижасидир. Бу ишга жамоатчилар ҳам катта ҳисса қўшган.

Хотин-қизлар Советининг аъзолари Н. Инжеватова ва А. Жуковалар ,ўсиб келаётган ёш авлодга ҳақиқий маънода оналарча ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Тарбияси қийин бўлган айрим болалар тўғри йўл топиб олганликлари учун улардан миннатдордирлар.

Уй-жой комитетларимиз ишон, лекин текшириб тур деган принцип асосида иш олиб бормоқда. Бу ҳар бир топширилган иш учун бўлган масъулиятнинг ошишига омил бўляпти. Йиғилишларда гоҳ у, гоҳ бу секция раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда. Ишнинг самараси йўллари кўрсатиб берилаяпти. Жумладан, фото тўгарак раҳбари Ю. Исҳоқовга йиғилишлардан бирида жуда фойдали маслаҳатлар берилди. Ана шундан кейин тўгарақдаги ишлар жонланиб кетди. Болалар суратга олиш сирларини қунт билан ўргана бошладилар. Уларнинг суратлари бир неча бор кўргазмаларда намойиш қилинди.

Ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишида жамоатчиликнинг роли катта. Агар тадбирни ўтказишда жамоатчилик иштирок этадиган бўлса, муваффақиятга эришиш муқаррардир. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигида М. Едгоров жуда кўп марта шанбаликлар ва якшанбаликлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу кунларда жуда катта ишлар амалга оширилиши мўлжалланган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, жамоатчилик ёрдамида бу вазифалар муваффақиятли уддаланди.

Т. САФАРОВ,
«Марказ-7» кварталн уй советининг раиси.

● ШАРҲЛИ ХАТ

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ШУМИ?

Високовольт массивидаги 1, 2, 3, 4-уйлар ёнида болалар спорт майдончаси учун мўлжалланган территория мавжуд. Аммо ҳозир бу ер чиқинди ва ахлатлар тўкиладиган жойга айлантириб қолган. Шунинг учун ҳам бизнинг фарзандларимиз бекорчиликдан қаерда ўйнашни билмай юришибди. Агар уй-жой ташкилотлари аҳолига ёрдам берса, бу ерни болалар тарбияси учун фойдаланиладиган жойга айлантириш мумкин эди.

С. СОКОЛОВА.

Биз ушбу хатни олишимиз билан Куйбишев район уй-жой кооперативи раиси Т. Рўзиевга мурожаат қилиб, уни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

3 ва 4-уйлар бизнинг кооператив ихтиёрига қарайди. Аммо тан олиб айтганда, мен кўп вақтдан буён у ерда бўлганим йўқ. Шунинг учун ҳам ушбу масала юзасидан бирор нарса дейишим қийин. Принцип жиҳатдан қараганда эса бу ерда спорт ёки болалар майдончасини ташкил этиш зарур иш... Умуман хатни бизга юборинг — чора кўрамиз.

КВАРТИРАЛАР РЕМОНТГА МУҲТОЖ

Биз яшаётган квартираларнинг поллари ва сантехника жиҳозлари ремонтга муҳтож. Уларнинг хизмат муддати ўтиб кетган бўлишига қарамай тўқимачилик комбинатининг ЖЭКи капитал ремонт қилишга шошилмаяпти. Раскова кўчасидаги 18 ва 20, Соломатин кўчасидаги 33-уйларнинг аҳолиси ҳар қандай умидларини ҳам йўқотишди.

Б. БЕРГЕР, А. ТРИШИНА, В. ГОРЕЛОВА.

Тўқимачилик комбинатининг уй-жой коммунал бошқармасида шу уч уйдаги аҳволни яхши билишади.

— Чиндан ҳам бу уйлардаги полларни ва сантехника жиҳозларини янгилаш керак, — дейди бошқарма бошлиғи К. Ҳасанбоев. — Аммо, ҳамма гап тахталар, вентиллар, кранлар етишмаслигида. Бизга уларни жуда кам ажратишади. Перспектив план бўйича ремонт ишлари 1979—1980 йилларга мўлжалланган.

Аммо моддий-техника таъминотидаги қийинчиликлар қаноатлантирмайди. Вентиль, кран ёки бирор бошқа жиҳоз деб бутун бинонинг ишдан чиқишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўйлаймизки, тўқимачилик комбинатининг раҳбарлари уй-жой фонди ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қиладилар.

СЕНИНГ ҚЎЛИНГ БИЛАН ЯРАТИЛГАН

«Правда» газетасининг 18 майдаги «Уй-жой жамоатчилиги» деган бош мақоласида уй-жой фондини сақлаш ишида коллективнинг ролига, дам олишни тўғри ташкил қилишга, турар жойларда ёшларнинг ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берилган.

Куйбишев районидаги 15-ЖЭКда бу борада тўпланган ижодий тажриба шаҳардаги уй комитетлари коллективлари, жамоатчилик учун катта қизиқиш уйғотади.

Ҳовлини реконструкция қилиш таклифи қачон пайдо бўлганлигини Олимжон унчалик эслай олмайди.

Бу фикрнинг туғилишига кичик бир воқеа сабабчи бўлди. Беш ёшли ўғил бола подъездан югуриб йўлга чиқди. Рўпарадан машина келарди. Қандайдир бир тасодиф билан бола омон қолди.

Орадан анча вақт ўтди. Куйбишев районидаги 15-ЖЭКнинг бошлиғи Олимжон Рўзиевич Тоғаевнинг юмушлари бир талай эди. У юмуши кўп бўлишига қарамай Дағистон кўчасидаги 68-уйнинг ҳовлисида бўлган ўша воқеани ҳамон эслар, ўзининг фикрини амалга ошириш тўғрисида хомаки режалар тузарди. Биргина йўлни нарига олиб ўтиш билан иш битармикан?

Уйнинг ҳовлиси... Бу ерда болалар ҳамиша гужғон ўйнайди, кеқсалар ҳам доим дам олишади. Ҳовли қандай бўлмоғи лозим? Унинг файзли ва ҳамма учун қулай бўлиши учун қандай ишларни бажариш керак?

Тоғаев ана шу ҳақда ўйлар экан янги ҳовлининг келгусидаги қиёфасини ўзича қоғозга чизар эди. Лекин ҳар қандай оддий чизмалар ҳам ана шу ишлар учун катта маблағ сарфланишини талаб қилар эди. Шунча маблағни қаердан олиш мумкин? Район уй-жой бошқармасида масалани ҳал қилишга аҳд қилди.

— Пул йўқ, — гапнинг бошида огоҳлантириб қўйди бошқарма бошлиғи С. Бобожонов.— Шундай бўлса ҳам схемангни чизиб тайёрлайвер. Айтадиган гапим шу, яшовчиларнинг ўзларига мурожаат қилгин. Жамоатчилик катта куч.

68-уйда яшовчиларнинг йиғилиши февраль ойининг охирида, кўкаламзорлаштириш икки ойлиги бошланишига бир неча кун қолганда бўлди. Лойиҳа билан таништирган яшовчиларнинг ҳаммаси ана шу ишларни бажариш учун фақат қўл кучигина эмас, балки механизмлар албатта кераклигини айтиб ўтишди. Давом этган қизғин мунозаралар аниқ таклифлар билан алмашинди.

Йиғилишда ҳар бир киши қўлидан келадиган иш юзасидан таклиф киритди. Тоғаев уларни ёзиб олишга аранг улгурарди.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Уч корпусдан иборат бу бинонинг яшовчилари уч участкага бўлинишиб, мусобақалашган ҳолда иш бошлашди. Биринчи участкага Э. Алаҳвердов, иккинчисига Д. Шермуҳамедов, учинчисига А. Афзалов раҳбарлик қилишга бошлади. Қизғин ўтган мусобақа лойиҳа бўйича белгиланган барча тадбирларни белгиланган муддатдан илгари бажариш имконини берди. Ҳовли ўзининг ажойиб қиёфасини намоён этабошлади.

Соя ташлайдиган манзарали дарахтларнинг гуллари ва сугориш шоҳобчалари бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқариш имконини берарди. Бу ерда нуронийлар ва катта ёшли кишилар дам олишадиган бўлишди. Болалар майдончаси бинодан бирмунча нарида жойлашган бўлиб, у яшил тўсиқлар билан ўралган эди. Эркатойларнинг қувнаб ўйнаши учун ҳамма воситалар ўрнатиб берилган.

...Дағистон кўчасидаги 68-уйнинг ҳовлиси ана шундай қиёфа касб этган. Бу ерда мўлжалланган ишлар ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Ҳовлида ҳовуз, соябонли айвон ва кўпгина ҳоситалар қуриш мўлжалланган. Лекин энг муҳими катта ишлар бошлаб олинди.

Ана шу мақолага нуқта қўйишдан аввал ўқувчиларнинг диққатини яна бир нарсага жалб этишни ўйладик. Ана шу бинода яшовчиларнинг кучи ва ғайрати билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бир уйда истиқомат қилувчилар бундай меҳнат жараёнида бир-бирларини яна яқиндан билдилар, биродарлашдилар. Уларининг инсоний фазилатларини намоён қилдилар. Хонаси келганда аччиқ гапни айтиб ўтиш керакки, гоҳида бирор юмуш билан бирорта замонавий бинога кириб қолсанг бир эшалонда истиқомат қилаётган хонадон ўзининг ёнгинасидаги қўшнисини мутлақо билмайди ёки танимайди.

Яна бир муҳим масала ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масаласи. Бу масала ана шу уйда ҳам оқилона ҳал қилинмоқда. Агарда илгари шу уйда яшовчилардан биронтаси ёшларнинг юриш-туришидан норозиланган бўлса, эндиликда уларга ҳавас билан қарайдиган бўлмоқда. Чиндан ҳам бу бинодаги ёшлар ўзларининг номига яраша намуна кўрсатишмоқда. Ёшлардан Саша Денисов, Актаб Алимов, Сергей Баринин, Саннат Мунраев, Саша Мустафаев ва бошқаларнинг ҳаммаси ўзларига муносиб бўлган ишлар билан банд бўлишмоқда, спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда. Орадан йиллар ўтар. Улар ҳар томонга қуш каби парвоз қилиб кетишар. Лекин ўзларининг болалиги ўтган ҳовлини бир умрга унутишмайди.

В. БАНДОРИН.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Октябрь районидаги 6-турар жойдан фойдаланиш конторасн уй комитетининг аъзолари ва жамоатчилар ўз ишларини уй-жой бошқармаси бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил қилмоқда. Коммунистлар уларга ишнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бир амалга оширилаётган тадбирларнинг самарали бўлишини таъминлаш йўлларини кўрсатиб беришмоқда.

Ҳар бир уй капитал ремонтдан чиқарилгандан кейин махсус комиссия томонидан қабул қилиб олиниши анъанага айланиб қолди. Бу комиссиянинг аъзолари район ижроия комитети. ЖЭК, уй комитети ва жамоатчилик вакилларидир. Ишнинг бундай ташкил қилиниши ремонт ишларини сифатини оширишга ёрдам берди. Аҳоли ҳам, комиссия аъзолари ҳам бу масалада ўзаро ҳамкорлик принципига амал қилишмоқда. Бу эса энг асосий нарсадир.

Район жамоатчилари жуда кўп масалаларни ҳал қилишмоқда. Бу энг масъулиятли участкалардаги ишларни активистларга ишониб топшириш фойдадан ҳоли эмаслигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу кунларда «Правда» газетасининг 18 май сонида эълон қилинган «Уй-жой жамоатчилиги» бош мақоласи қизғин муҳокама қилинмоқда. Мақолада ишни қайси йўналишда олиб бориш, асосий эътиборни нимага қаратиш кераклиги аниқ кўрсатиб берилган. Уй-жой комитетларининг умумшаҳар советининг ташкил қилиниши шаҳар уй-жой бошқармасининг ҳодимлари мақолада қўйилган масалаларнинг моҳиятини тўғри тушунганликлари н н и кўрсатиб турибди. Совет ўз ишини бажариш билан бирга жойларда тўпланган иш тажрибаларини умумлаштириб ва таҳлил қилиб, уни барча коллективларга етказмоқда.


Н. ГАБДУЛИНА,
Октябрь районидаги 6-уй-жойдан фойдаланиш конторасн уй комитетининг аъзоси.

ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

Уй комитетлари умумшаҳар совети яқиндагина ташкил этилди. Аммо унинг келажаги порлоқ. Советнинг бугунги кунининг долзарб масалаларига актив аралашуви совет фаолиятининг бошланиши бўлиши лозим. Унинг фаолиятида меҳнаткашлар шикоятлари билан шуғулланиш алоҳида ўрин эгаллаши керак. Айрим масалалар сустқашлик билан ҳал этилиши, сансалорлик, бепарволик ҳоллари ҳамон учраб туради. Юнусободдаги 55-уйни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу уйнинг ертўласини уч марта сув босди. 51-ЖЭК ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари уч марта келиб аҳвол билан танишдилар. Лекин шунга қарамай ҳамон аҳвол тузатилгани йўқ.

Шундай ҳолларни ким назорат қилиши, айбдорларни ким жавобгарликка тортиши лозим? Уйлаймизки, янги ташкил этилган совет бундай ҳолларга қарши кескин кураш олиб боради.

Б. ДРОЗДОВ,
51-ЖЭК 55-уй комитетн раиси.



Ленин проспектини кўрнам кўл қаватли уйлар безаб турибди. Бу уйларда яшаётган оилалар бинолар кўзни қувонтириши учун уйларни авайлаб сақлашга ҳаракат қилишади.

В. Ковреин фотоси.

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-ИЮНЬ, 1978 й.

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. МУҲАМЕДОВ: Мен автомобиллар ремонти бўйича слесарлик касбига жуда қизиқаман. Айтингчи, шаҳримизда шу касбни ўргатадиган ҳунар-техника билим юрти борми? Бўлса у ерга кириш қондалари қандай?

Жавоб: Шаҳримиздаги 4-ҳунар-техника билим юртида Сиз ўзингиз хоҳлаган касб эгаси бўлишингиз мумкин. Бу ерда кенг профилдаги автомобиллар ремонти бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар, экскаватор машинистлари тайёрланади. Ҳунар масканида ўқиш муддати 1— 2 йил. Ўқиш даври узлуксиз иш стажига қўшилади. Шуни айтиш керакки, билим юрти қошида кечки —сменали мактаб ҳам бор. Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугаллаганлар ўрта-техника ва олий ўқув юртларига юбориладилар. Саккизинчи синф маълумотига эга бўлган ёшларга бу ерда кунига уч марта бепул овқат, формали кийим-кечак, махсус коржома, ишлаб чиқариш практикасидан тушган иш ҳақининг учдан бир қисми берилади. Ўнинчи синфни тугаллаб бу ерга ўқишга кирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Билим юрти Луначарское шоссеси 69-уйда жойлашган. Бу ерга 13, 22-трамвайлар, 1, 4, 62, 69-автобуслар, 17, 18-троллейбуслар билан борилади. Билим юртининг телефонлари 66-09-96, 66-09-98.

* * *

Б. АЛИМУРОДОВ: Қандай ҳолларда ишчи ва хизматчилар ўз хоҳиши билан ишдан бўшатилиши мумкин?

Жавоб: Ишдан кетмоқчи бўлган ишчи ва хизматчилар кетишидан икки ҳафта илгари маъмуриятни огоҳлантириши шарт. Бундай ҳолларда маъмурият икки ҳафта ўтгач ходимни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқариши, унинг қўлига меҳнат дафтарчасини қайтариб бериб у билан ҳисоб-китоб қилиши керак.

* * *

А. ҚАМБАРОВА: Газламаларга теккан керосин доғларини қандай қилиб кетказса бўлади?

Жавоб: Бунинг учун газламадаги доғ тагига сув шимадиган қоғоз қўйилади, тоза бензин билан ҳўлланиб, устига қуйилган магнезия сепилади, сув шимадиган қоғоз қўйилади-да, оғирроқ нарса бостирилади. Бир неча минутдан кейин бензиндан асар ҳам қолмайди, магнезия эса чўткалаб тозаланади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

6-таксомотор паркига қарашли 08—42 ТНВ рақамли «ГАЗ—24» автомобилини Акбарали Саманов Железноводская кўчаси бўйлаб ҳайдаб борарди. У кўчанинг гвардиячи полковник Хўжаев номли кўча билан кесишадиган қисмига борганида асосий йўл ҳисобланган Семенов кўчасига ўтаётганлигини сезмай қолди. Ваҳоланки, йўлнинг бошланиш қисмига бу ҳақда маълумот берувчи белги илиб қўйилган эди. Натижада машина керамзит заводининг ишчиси Анатолий Белов бошқариб бораётган 05—26 ТНГ рақамли «ИЖ—Юпитер—3» мотоциклига урилди. Тўқнашув натижасида ҳар икки транспорт воситасига катта зарар етди. Мотоцикл ҳайдовчиси жароҳатланган ҳолда 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

Текширишлар натижасида тасодифнинг юз беришида мотоциклчининг ҳам айби борлиги аниқланди. У асосий йўлдан кетаётганлигидан фойдаланиб, тезликни пасайтирмаган ва қарама-қарши ҳаракат йўлкасига чиқиб кетган.

Ҳар икки ҳайдовчи Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига юборилди.

ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

ҚАВАТЛАР ҚАД КЎТАРГАНДА

Тошкентда кўп қаватли уйлар қурилиши қачон бошланганини биласизми?

Индустриалшт и р и ш даврида Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантиришга катта эътибор берилган эди. Айниқса янги шаҳар билан эски шаҳар ўртасидаги кескин фарқни йўқотишга муҳим аҳамият берилди.

Тошкентни реконструкция қилиш планида кўчаларни кескин ўзгартириш, улар ўрнига кенг магистрал ва майдонлар бунёд этиш ҳамда бошқа муҳим тадбирлар кўзда тутилган эди.

1930 йилда Тошкентни реконструкция қилиш бош планини тузишга киришилди.

Бундан роппа-роса қирқ йилча муқаддам бош план кучга кирди.

Шаҳар аҳолиси сони кўпайиши натижасида уй-жойга талаб янада кучайган эди. 1928 йил бошига келиб Тошкентда ҳар бир одам бошига тўрт квадрат метр турар жой тўғри келарди. Йилдан-йилга уй-жойлар кўпроқ қад кўтара бошлади. Масалан, биргина Тахтапулдаги ишчилар шаҳарчасида ўн мингга яқин киши истиқомат қиларди.


Ниҳоят Тошкентда кўп қаватли уйлар қуриш учун эҳтиёж тугилди. 1934 йил. Ўша йил шаҳар тарихида кўп қаватли бинолар қад кўтарган йил бўлиб қолди. Сўнгра бундай қурилишлар авж олиб кетди. Бу биноларда барча қулайликлар — водопровод, канализация, иситиш воситалари бор эди.

1939 йилга келиб Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчилари учун қирқта кўп қаватли уй қурилди. Бу уйлар орасида кўплаб мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаб, поликлиника, маданият ва дам олиш уйлари қад кўтарди.

1940 йилнинг биринчи ярмидаёқ Тошкентда 15 та кўп қаватли бино барпо этилди. Урицкий, Шота Руставели, 1 Май, Навоий кўчаларида икки, уч, тўрт қаватли уйлар қад кўтарди.

Ҳозирги Тошкентни кўп қаватли шаҳар деб атаймиз. Бу ерда бир кеча-кундузда ўртача бир ярим минг квадрат метрдан зиёд турар жой бинолари қурилиб, ишга туширилятти. Келгусида қаватлар сонини янада ошириш мўлжалланмоқда. Ҳа, осмонўпар бинолар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшаверади.

МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА



Энгельс ва 1 Май кўчаларини кесиб ўтган ерда Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг Марказий диспетчерлик станцияси бунёд этилятти. Қурилишни 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси олиб бормоқда.

СУРАТДА: марказий диспетчерлик станциясининг лойиҳаси.

В. Гультяев ва Ю. Русин фотоси.

УЧ БАРАВАР КЎПАЯДИ

Чотқол тизма тоғи этагида жойлашган ихтисослаштирилган хўжаликда хонбалиқнинг дастлабки 300 минг чавоқчаси олинди. Ана шу чавоқчалар хўжаликда барпо этилган инкубация цехида олинди. Бу цех йилига 800 минг балиқчани ўстиришга мўлжалланган. Ана шунча миқдордаги балиқча ихтисослаштирилган ҳовузларни муттасил тўлдириб бориш учунгина эмас, шу билан бирга республиканинг кўпгина қўлбола сув ҳавзаларида ҳам хонбалиқни кўплаб урчитишга етарлидир.

Бу йил хонбалиқ етиштирадиган хўжалик коллективи дастлабки 100 центнер хушхўр балиқни магазинларга жўнатади. Беш йиллик охирига бориб хонбалиқ етиштириш 3 баравар кўпаяди.

[ЎзТАГ].

• *Қадимги ҳикоятлар*

Ўгит боғининг Меваларидан

Вафо, тўғрилик ва инсоф ҳақида

◆ Искандар ўзининг ҳакимларидан:

— Сизларнинг фикрингизча, одиллик яхшими ёки шижоатми? — деб сўради.

Ҳакимлар унга:

— Агар юртда адолат барқарор экан шижоат қилишга эҳтиёж қолмайди! — деб ҳакимга жавоб бердилар.

◆ Ануширвон шундай деган эди:

— Мамлакат аскар билан, аскар мол билан, мол халқ билан, халқ эса адолат билан барқарордир.

Ҳақиқатан ҳам бу бир доирадирки, унинг бир ҳалқаси нуқсон топса, барчасига таъсир қилади, мамлакат тартиби издан чиқади.

▲ Бевафолик ва хиёнат энг қабиҳ хулқлардан ҳисобланади. Бевафолик қилинган аҳдни бузиш, ваъдага нисбатан тескари йўл тутишдир. Хиёнат эса биров топширган ва ишонган омонатни сақлай билмаслик, уни ошкор қилиш ҳисобланади.

◆ ҲИКОЯТ: Бир неча киши овга чиққан эди. Ов учун ҳеч нарса топиша олмади. Узоқ излашлардан сўнг бир шағолга дуч келиб қолишди. Унинг ортидан қувлаб келишаётган эди, шағол билдирмай, бир арабинг уйига кириб олди. Араб эса шағол ювош экан, ўзи менинг уймга кириб келди, деб ўйлади ва уни парвариш қилишга киришди.

Кунлардан бир кун араб уни олдига чақирган эди, шағол югуриб келиб, унинг қорнини ёриб ташлади ва қочиб кетди. Тасодифдан кириб қолган арабнинг қариндоши аҳволни кўриб, бу шағолнинг иши эканини билди ва орқасидан қувиб етиб, уни ўлдирди. Сўнг қуйидаги ибратли қитъани ёзди:

Кимки ножинс учун яхшилик қилса,
Шағол соҳибидек балога дучор.
Кўргил, шағол қочиб кирса уйига,
Боқди тул сутин бериб у такрор.
Семириб, қувватга киргандан кейин,
Эгасин қорнини ёрди у беор.
Кимки ёмонларга яхшилик қилса,
Худди шундай ҳожат юз берар, эй ёр!

◆ ҲИКОЯТ: Сақот аҳлидан биров шундай нақл қилади:

— Араб саҳроларида кезиб юрардим. Ногоҳ бир қарияга дуч келиб қолдим. Унинг ёнида бир-иккита ўлдирилган қўй билан бўри боласи турарди. қария мендан:

— Нима воқеалигини билдингми? — деб сўради.

— Тушунмай турибман! — дедим унга. Қария ҳикоя қилиб деди:

— Мана бу бўри боласини кичкиналигидан боқиб келаётган эдим. Ўсиб, семириб, сал кучга киргач, қара, қўйларимни нима қилди!

У шундай деб, орқасидан қуйидаги наэмни ўқиди:

Ўгай ўғлидурсан ушбу қўйларни,
Уларни ўлдириб, қилдинг паришон.
Чунки сутни ичиб вояга етдинг,
Қайдан билдинг отанг бўри, эй нодон.
Демак табиатда бўлса ёмонлик,
Яхшилик йўлига тушмоғи гумон.

◆ Луқмон ҳаким ўғлига насиҳат қилиб деди:

— Эй ўғлим, хиёнатдан узоқ бўл, чунки ҳар ким хиёнат қилса, жазога дучор бўлади, хиёнатсиз киши узоқ яшайди.

◆ Самонга бир киши келиб:

— Сенга фалончи салом айтиб юборди! — деди.

Самон унга:

— Яхши эсингдан чиқмапти, агар унинг саломини омонат сифатида менга етказмаганингда омонатга ҳиёнат қилган бўлардинг! — деди.

◆ Аристотель айтади:

— Тилли кишининг тилсиз кишидан фарқи шуки, тилли киши ўз ҳолини нутқи билан баён эта олади. Бордию, унинг сўзлари рост бўлмаса, ундай кишидан тилсиз киши афзалдир.

◆ Тили тўғри кишининг сўзи ўткир бўлади. Тили эгри, яъни ёлғончи кишининг дўсти оз бўлади.

◆ Ёлғончи кишилар бировнинг рост сўзига ҳам ишонмайди, уни ёлғон деб гумон қилади. Унинг сўзига эса гарчи рост бўлса ҳам, одамлар ишонмайди ва ёлғон деб тасаввур қилади.

◆ ҲИКОЯТ:

Бир киши Ваҳоб ибн Манбага келиб:

— Фалон киши сени ёмонлаб сўкди! — деди.

Ваҳоб унга:

— Шайтон сендан ўзга элчини тополмапти-да! — деб жавоб берди.

◆ ҲИКОЯТ: Бир оқил кишидан:

— Фалончи сени сўкди! — дедим бир одам.

— Мен йўғимда сўкса сўкаверсин, нима бир бало бўлиб қолармидим! — деди у.

◆ ҲИКОЯТ: Искандар бир ўғрини осишга буюрди. Ўғри фарёд қилиб:

— Мен ўз ихтиёрим билан ўғрилик қилганим йўқ. — деб қичқирди.

Искандар унга:

— Шунинг учун ўз ихтиёринг билан осмайман! — деб жавоб берди.

М. ҲАСАНОВ
тайёрлаган.

• *ФАН ОЛАМИДА*

ЭЛЕКТРОНИКА ДАВОЛАЙДИ

Эденбург университети ходимлари томонидан дудуқланишни даволашнинг янги усули таклиф қилинди. Бу маълум далилларга асосланган. Агар дудуқ одам баъзи бир сабаблар билан ўз овозини эшитмаса дудуқланмайди. Шотландиялик олимлар протатив қурилма тайёрладилар. Ушбу қурилма автоматик тарзда касал киши қулоғига наушник орқали ўз овозини ўчирувчи доимий сигнал беради. Сигнал касал кишининг бўйин қисмига ўрнатилган микрофон товуш йўлларидан чиққан товушни ушлайди. Чет эллик журналлардан бирининг хабар беришича, бу қурилма 300 дан ортиқ касалларда текшириб кўрилган. Натижа шуни кўрсатганки, улар эркин гапириш имкониятига эга бўлганлар.

АЛДАШНИНГ ФОЙДАСИ

Автомобиллар тезлиги кўпгина мамлакатларда чекланмоқда. Статистиканинг хабар беришича, бу йўл транспорт фалокатининг тахминан 20 процент камайишига олиб келмоқда. Шу билан бирга сарф бўладиган ёқилғи тежалади. Бу эса, асримизда энг муҳим проблема ҳисобланади. Яқинда Италияда янги қонун қабул қилинди. Унда йўл шароити ва автомобиль двигателининг қувватига қараб унинг тезлиги чегараланади. Аммо чегараланган тезлик интервали анчагина бор. У шаҳарларда соатига 50 километр ва каттакатта автострадаларда эса соатига 140 километр ўрталикни ташкил қилади. Спидометр хато кўрсатишини полиция ҳеч қачон кечирмайди, аммо кўпгина шофёрлар соатига неча километр тезлик билан юрганликларига эътибор қилмайдилар.

Ноябрдан бошлаб Италия фирмаси «ФИАТ» автомобилларга янги спидометр қўйиб чиқармоқда. У ҳақиқий тезликдан бир оз ортиқроқ кўрсатади. Спидометрнинг шофёрни «алдаши» уни ҳаяжонга солиб тезликни камайтиришга ундайди.

А. ИКРОМОВ,
инженер.

Шанба оқшоми



Ленин орденли Москва Давлат цирки икки бўлимдан иборат янги программани намойиш этмоқда. Программани саҳналаштирувчи режиссёр РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ю. Архипцев. Кулгили номерлар, интермедияларда СССР халқартисти О. Попов ҳамда масхарабозлар В. Горячкин, В. Трофимов ва С. Корячколар иштирок этишади.

СУРАТДА: РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Корнилов раҳбарлигидаги «Филлар ва раққоса» аттракциони.

ТАСС фотохроникаси.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

БУҒДОЙ КВАСИ

Бухоролик оқшомхон Ҳикматулло Шеров бизга йўллаган мактубида «Буғдой кваси қандай тайёрланади. Езнинг жазирамасида ташналикни яхши қондирадиган бу яхна ичимликни хонаки тайёрлаш усули борми?» — деб сўраган. Марҳамат, илтимосингизни қондирамиз.

Квас рус халқи пазандалигининг жуда қадимги кашфиётларидан бири бўлиб, чанқоқни дарҳол босадиган, алкоголсиз ва таркиби витамин ҳамда минерал моддаларга бой ичимликдир. Буни хонаки усулда тайёрласа бўлади, лекин бир оз мураккаброқ ўрганиб олса бўлади.

Қора буғдой (ариш) нонини майда кесиб духовкада қуритасиз. Сўнгра йирик кўзли ғўшт қиймалагичдан ўтказиб талқон тайёрлайсиз. Талқонни сирли кастрюлка ёки пақирга солиб қайнатилган ва 80 градусгача совутилган сув қўшиб аралаштирасиз. Мисол учун: 10 литр квасга 400 грамм талқон ва 7 литр илиқ сув олинади. Идишни иссиқроқ жойга бир-бир ярим соат олиб қўясиз-да, вақти-вақти билан аралаштирасиз. Сўнгра буни докадан ўтказиб сузасиз, сувини бошқа идишга олиб ивиган талқонга яна беш литр илиқ сув қуйиб, яна бир-бир ярим соат тўхтатасиз. Нон сувда эриб кетади, буни сузмасдан аввалги сувда аралаштирасиз. Суюқликка 15 грамм хамиртуруш ва 500 грамм шакар қўшиб то эригунча аралаштиринг (шакарга ўша суюқликдан пича қўшиб суюқ қиём сифатида қайнатиб солсангиз яна яхши бўлади).

Квасни ҳарорати +23 +25 даражали жойга 10—12 соатча қўйиб бижғитасиз. Бунда хамиртуруш шакар билан қўшилиб карбонат ангидриди ҳосил қилади ва идишда пуфакчалар кўрина бошлайди. Сўнгра уни холодильникка қўйиб совутасиз.

10 литр квас учун: 500 грамм шакар, 400 грамм қора нон талқони, 15 грамм хамиртуруш ва 12 литр сув олинади.

К. МАҲМУДОВ,
пазанда.

• *РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ*

Ҳар тўғрида

Ғалати самолёт

Англиялик мутахассислар оғир юк кўтарувчи ажойиб самолёт моделини ишлаб чиқишди. 400 тонна юкни соатига 370 километр тезлик билан кўтариб уча оладиган бу янги самолёт худди тарелкага ўхшайди. «Учувчи тарелка» турбовинтли двигателлар билан жиҳозланган. Диаметри 210, баландлиги 63 метр бўлган бу «тарелка самолёт» сувга ҳам, қуруқликка ҳам қўна олади.

Қуримасин деб

Лейпциг шаҳридан жануброқда Саксонияда энг катта дуб дарахти ўсади. Бундан нарироқда жойлашган кўмир шахталари борлиги туфайли шу жойнинг тупроқ ости сувлари қуриб қола бошлади. Улкан дубнинг ҳам қуриб қолиши аён эди. Уни қутқариш мақсадида маҳаллий аҳоли махсус водопровод қуришга киришди.

Телепластинка

Вашингтондаги лабораториялардан бирида телевизион кўрсатувларини фотопластинкага ёзишнинг ажойиб усулини топдилар. Бунда кўрсатувлар тасвирининг сигналлари лазер ёрдамида фотографик пластинкага «ёзилади». Бунда 12—17 катталикдаги пластинкага 30 минутлик кўрсатувни ёзиш мумкин.

Экинзордаги тангабалиқ

Наурзум қўриқхонасининг ишчилари ер чопишаётган эди. Кутилмаганда улардан бири тупроқ орасида жонсиз тангабалиқни кўриб қолди. Ишчилар балиқни сувга қўйиб юборишди. Бир оз вақт ўтгач, сувда сузиб юрган тирик балиқни кўргач улар ҳайратда қолишди.

Қўриқхонадаги кексалар бундай воқеани кўп кўришган. Бир вақтлар Катта Аксуат кўлининг суви ёзда қуриб қолди. Кўл тубидан арава йўли очилди ҳам. Келгуси йили Катта Аксуатга сув тўлгач, балиқчилар тўр ташлашди. Ҳаддан зиёд тангабалиқларни тутишди.

Қозоғистон Давлат университети гидробиология ва ихтиология кафедрасининг доценти Валерий Петрович Митрофанов бу ҳолни бундай шарҳлади: «Шундай ҳоллар ҳам бўладики, тангабалиқлар кўлларда қурғоқчилик бўлганда вертикал ҳолатда бақатўнгга яшириниб, то сув келгунга қадар бир неча йил жон сақлашлари мумкин.

Буниси жуда ғаройиб

Жанубий денгизларнинг камёб махлуқи — икки хил нафас оладиган балиқ— протоптериуслар Калининград ҳайвонот боғига келтирилди. «Меҳмонлар»ни профессор А. Н. Пробатов Дакардан олиб келди.

Бу балиқ ойлаб сувсиз яшай олади. Ёзнинг жазирама кунларида, дарёлар қуриб қолганда балиқлар бақатўнга ва балчиққа ўралиб кузгача ухлашади. Бу пайтда улар ойқулоқлари билан эмас. балки ўпкани эслатувчи махсус лупфакчалар орқали нафас олишади. Сув келгач, протоптериуслар яна жонланади.

Ҳуштакка ўрганган

Етмиш тўрт ёшли Леонард Бэкли олдий полиция ҳуштагини олиб бир марта узун ва икки марта қисқа сигнал беради. Бир неча дақиқадан сўнг бу товушни эшитган кўпгина майда балиқлар соҳилга сузиб келишади. Уларга навбатдаги овқатни бериш бошланади. Ташланган нонга қорни тўйган майда балиқлар жойни навбат кутиб турган каттароқ балиқларга бўшатиб, Каналнинг Онтарио вилоятидаги - ўзлари истиқомат қиладиган Скугог кўлига ғойиб бўлишади. Сўнгра уч марта кескин , қисқа ҳуштак чалинади, чолнинг ёнига ўнтадан ортиқ зоғора балиқ сузиб келади. Зоғора балиқларнинг баъзиларетти килограммдан ортиқ вазнга эга. Улар орасида Жо лаканбли тошбақа ҳам бор.

Баҳайбат тунец

М. Дмитриев кўмондонлик қилган «Лэз» балиқ овлаш сейнери Аджария АССРнинг Кобулети портидан ставрида балиқларини тутиш учун денгизга чиқди. Балиқлар кўп жойга белги қўйилди. Тўр йиғиш машинаси ишга тушди. Кутилмаганда сув қайнаб қолди: тўр ичида катта балиқ сакради-ю, яна кўздан ғойиб бўлди.

...Тўр тобора таранг тортилди. Ниҳоят тўр бурчагида ўралиб қолган тунец кўзга ташланди. Унинг бўйи 2 метру 70 сантиметр бўлиб, оғирлиги 354 килограмм эди.

Тунецлар Атлантика ва Тинч океанларининг илиқ сувларида яшайди. Улар Ўрта ер денгизи орқали Қора денгизга ўтишади. Ставрида балиқларининг тўдаси орқасидан қувлашади. Бу балиқнинг гўшти ўта ёғли ва ширин.


Ойбалиқ

Олимлар денгиз тубидан қандай ғаройиб балиқларни топишмайди дейсиз. Юқориги қатламларда ташқи кўринишн ажойиб — ойбалиқ ёки каллабалиқ (биринчи номи кумушсимон-кулранг гилиги туфайли қўйилган) яшайди. Шунниси қизиққи, ана шу бесўнақай, ношуд ва думсиз маҳлуқ—йиртқич. У ўзининг кичик оғзи билан майда балиқларни овлайди. Қисқичбақа, медузалар билан бир қаторда кўкатларни ҳам ошайди—денгиз ўтларини ейди. Ойбалиқ сузишга ношуд, одатда «тўлқин амри» билан ҳаракат қилади. Ҳаракат қилганда елкасидаги пуфакчалари ҳамиша сув юзасида бўлади. Бу балиқ Циндао денгиз музейида сақланади.

Ҳ. ҲАКИМОВ тўплаган.

• *Дам олиш соатида*

«М» КРОССВОРДИ



Ҳурматли оқшомхон! Қуйида баён келтирилган сўзлар «М» ҳарфи билан бошланадиган тўрт ҳарфли сўзлардан иборат. Уларни белгиланган хонадан бошлаб стрелка йўналиши бўйича ёзиб чиқинг.

1. Баҳор ойи. 2. Рақам. 3. Африканинг шимоли-шарқида жойлашган қадимий давлат. 4. Сайёра. 5. Ғарбий Африкадаги давлат. 6. Портловчи модда заряди. 7. Икки спорт командаси ўртасида ўтказиладиган мусобақа. 8. Узунлик ўлчови. 9. Ўсимлик ва ҳайвонлар ажратадиган ўткир ҳидли модда. 10. Совет физиги ва радиотехниги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 11. Француз рассоми, импрессионизм асосчиларидан бири. 12. РСФСР таркибидаги автоном республика. 13. Юриш учун ёзилган музика асари. 14. Доривор ўсимлик. 15. Денгиз ҳайвони. 16. Кечаю-кундуз ишлайдиган радиопрограмма.

Тузувчи **Шавкат Ҳидоятов.**

27 МАЙДАГИ «БОТАНИКА» ЧАЙНКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Қайрағоч. 2. Чарос. 3. Седана. 4. Асаларн. 5. Изнн. 6. Нут. 7. Тут. 8. Тарвуз. 9. Зирк. 10. Карам. 11. Мош. 12. Ширач. 13. Чайир. 14. Розмарин. 15. Нўхат. 16. Тамаки. 17. Илдиз. 18. Зайгун. 19. Наъматак. 20. Кофе. 21. Етмак. 22. Кашнич. 23. Чучмома. 24. Арпа. 25. Акация. 26 Ялпиз. 27. Заранг. 28. Гул. 29. Лимон. 30. Нашвати. 31. Исмалоқ.

Редакциядан: газетамизнинг 13 ва 20 май «Шанба оқшоми» саҳифаларида берилган «Гулбаҳор» ва «Футбол» чайнкроссвордларга кўплаб оқшомхонлар жавоб ёзиб юборишган. Редакция саволларга аниқ ва тўғри жавоб йўллаган Д. Бердиев, Р. Тўраев, Ф. Азимова, Д. Охунова, Ф. Назарова, М. Каримова, Е. Раҳмонова, Б. Мирзаев, М. Мукимов, З. Ҳасанова, Р. Искандаров, Л. Искандарова, М. Абзалов, А. Тожиев, Ф. Шаметов, А. Каримов, М. Ибодова, А. Дамиров, Ф. Камолиддинов, Т. Илёсов, О. Холбеков, Р. Юсупов, М. Тиллаев, К. Ҳусанов, Ҳ. Дадаев, Ҳ. Шокиров, Ч. Солиҳов, А. Аюбов, Ф. Писметов, С. Ҳасанов, М. Усмонов, Ш. Раҳматуллаев, М. Жалилов, Ҳ. Акромов, С. Ёдгоров, Р. Иноятов, С. Намозов, К. Юсупов, А. Жавҳаров, Н. Ортиқов, Т. Тошматов ва бошқа ўртоқларга ташаккур изҳор қилади.

• *Хушбўй кўкатлар*

Кашничнинг хосияти

Ош қўклар ичида кашнич кўзга ором, танга маъром беради. У тотимли гиёҳ сифатида овқатларга ишлатилади.

Кашнич қадим-қадимдан табобатимизда бир қатор хасталикларни даволашда қўлланиб келинади. Абу Али ибн Сино кашнични бош айланишда, карахтликда қўллаган, ўсимликнинг меваси билан бармоқ-бармоқ зубнинг шарбати чирбандлигини қон қўсишда, тупуришда тавсия этган. Халқ орасида бу хосиятли кўкатни бадхаз комликда (сассиқ кекирдак), елланишдан ҳалос қилувчи омил сифатида, ошқозон-ичак йўли хасталикларида истеъмол этиб келинган.

Табобатда кашнич мевасидан тайёрланган дамлама, спиртли димлама, доривор кукун иштаҳага барака берувчи, сапро ҳайдовчи ҳамда бавосил касаллигини даволашда восита сифатида тавсия этилади.

Хўш, кашнични шифобахшлик бобида улуғлаган нарса нима дерсиз? Хонадонимизни безаб, назаритнич орзумандга кашнич таркибида салмоқли витаминлар, эфир мойлари, микроэлементлар мавжуд. Меваси эфир мойи, ёг ва бошқа манзур нарсалар сақлайдиган жажжи кўзача деса бўлади.

Бу кўркам шифобахш кўкатни кўп экинг, у сизга нафли манзара бахшида этибгина қолмай, боқий умрингизнинг поёндози бўлиши мумкин.

М. НАБИЕВ,
А. АЛИМОВ,
доришунослар.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁКУБОВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

3 ИЮНЬ, 1978 й.

ЖОНЛИ «МЕТЕОРОЛОГ»ЛАР

ТАБИАТНИ КУЗАТИБ...

◆ Бурундуқ орқа оёқларида турибоддаги қўллари билан бўйинини қашиб ихрай бошласа, билингки дам ўтмай момақалдироқ бўлиб ёмғир ёғади.

◆ Ут-ўланлар устидаги шудринг эрталаб дарров парланиб кетмаса, билингки, дам ўтмай момақалдироқ бўлади.

◆ Осмондаги булутлар тўдалашиб, йиртилиб кетган жулдур кийимга ўхшаб кўринса, билингки, ёғингарчилик бўлиб, шамол туради, кун осойишта бўлмайди.

◆ Ёз кунлари ҳаво ҳарорати одатдагидан пастроқ келса кунлар яхшиланиб, мўътадил бўлади деверинг.

◆ Ёзда момақалдироқ бўлиши олдидан тоғ ўрмонлари жим-жит бўлиб қолади. Фақат қалдирғочлар ер ва сув бағирлаб учиб, қаттиқ вижирлайди.

С. ҒАФУРОВ
тўплаган.



«Эльдорадо олтини» — Британия қирол санъат академияси Лондонда очишга тайёргарлик кўраётган виставка ана шундай номланади. Виставкада қадимда Лотин Америкаси индеецлари ясаган ноёб олтин буюмлар намойиш этилади.

СУРАТДА: виставканинг 500 экспонатидан бири — олтиндан ясалган дафн ниқоби.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ИЮНЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Онамларнинг мактаби». 16.15 Ф. Шуберт. Полонез. Халқаро конкурс лауреатлари А. Бахчиев ва Е. Сорокина чаладилар. 16.30 «Ёш спортчи катта майдонда». 17.15 «Жаҳон халқларининг ижоди».

17.45 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Капитал қурилиш: масалалар ва муаммолар». Кўрсатувда КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Чёрный иштирок этади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Капитан қизи». Телевизион спектакль премьераси. А. С. Пушкин повести асосида. 1 ва 2-қисмлар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Биргит Финниле куйлайди (Швеция). 23.10 «Волга узра қанотлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўсмирлар ижоди» (рус.). 18.30 «Инсон ва табиат». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган кўрсатув. 18.55 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Танишинг: ёш скрипкачи созандалар». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Узбек классик қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 22.15 «Романтика» телевизион театри. У. Ҳошимов. «Қалбингга қулоқ сол», 1-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Улар ҳазиллашишяпти». 19.15 «Сеҳрли ойна». Фильм-спектакль (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Абитуриентлар учун. Физика. 21.20 В. В. Куйбишев туғилган кунининг 90 йиллигига. «Валерий Куйбишев». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш».

6 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 А. С. Пушкин. «Капитан қизи». Телевизион спектакль. 1 ва 2-қисмлар. 12.35 «Мўъжизасиз—мўъжизалар». 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма.

15.30 «В. Г. Белинский ижоди». 16.15 «Звездочёт». Телевизион журнал. 17.00 «Тарих саҳифалари». 17.30 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Болаларга аталган шеърлар». 19.05 Г. Вересва номли Давлат хизмат кўрсатган академик украин халқ хорининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (А. Бекнинг «Бережковнинг ҳаёти» романи мотивлари асосида). 1-серия. «Бережков гилдирак ихтиро этади». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». Клиндаги П. И. Чайковский уй-музейида. 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Сеҳрли қушчаа». Болалар учун мультфильм. 11.10 «Жиблажибон армияси». Бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 «Менга мактуб ёз». Болалар учун телефильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Замондош билан юзма-юз». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қалбим яшар лирамда». Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрамига. 20.15 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз!». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистлари Мохичеҳра Нурмуҳамедова ва Ғуломжон Ёқубовлар ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ўзбекистон — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

7 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. «Винни-Пух ва ташвишли кун», «Кўр сичқон ва яшил юлдуз». (ЧССР). 10.25 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия «Вережков гилдирак ихтиро этади». 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Шимол манзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 «Советлар ва ҳаёт». 16.15 «Пушкин театри», 1-кўрсатув. 17.00 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 17.30 Владимир шаҳар «Русь» ансамблининг концерти.

18.00 «Горичилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кекса дентсчи ҳикоялари». Мультфильм. 19.05 «Рус романси». РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобриневa куйлайди. 19.40 «Спортлото» тиражи. 19.50 «Алкоголизм». Врач суҳбати. 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Ихтироларнинг Бутунжаҳон идораси». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 МДУ «Гелиос» вокал ансамблининг концерти.

22.30 Ҳужжатли фильм. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Вразилия — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Ёш талантлар». Болалар учун телевизион фильм-концерт. 11.20 «Жиблажибон армияси яна жангда». Бадиий фильм. 12.40 Абитуриентлар учун «Иншони қандай ёзиш керак?». 17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 «Мушукчалар нега ювинади?». Болалар учун мультфильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпия умидлари». (рус.). 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Сиёсий маориф системасида ўқув йили якунларига доир».19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Дилғинамга қулоқ сол». Лирик концерт. 20.00 «Бола бошидан...» Самарқанд шаҳар ва Самарқанд области мактабгача тарбия муассасаларининг телевизион кўрик-конкурси. 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 «Ёш овозлар». Эстрада программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Икки дил достони». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Биология. 19.30 А. С. Пушкин. «Отишма». Бадиий ўқиш (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Абитуриентлар учун. Биология. (рус.). 20.50 Реклама. 21.00 «Пойтахт области далаларида». 21.30 «Синфлар ва синфий қурашлар». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 22.00 «Мамлакатимиз кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Байрокдорлар», «Мусобақадошлар».

8 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Орзуларнинг пиллапоясида». Касб танлаш ҳақида суҳбат. 10.25 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм, 2-серия. «Ихтироларнинг Бутунжаҳон идораси». 11.35 Осипов номли Давлат рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Жонажон табиат». 16.30 «Ихтирочи». 17.00 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Шарқ халқлари Давлат санъат музейи. «Япония санъати». 17.30 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта» балетига ёзилган куйлар. 19.25 «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 «Ҳаммамиз ахил оиламиз». Музикали программа. Таллиндан олиб кўрсатиладн. 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. «Кичик чизмакаш». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Михайловское қишлоғида XII Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 23.30 «Япон манзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 С. Панчев. «Тўрт эгизак». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.30 «Шчорс». Бадиий фильм (рус.). 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Алпов-далпов». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.45 «Фан ва техника — автомобиль транспорти хизматида». (рус.). 19.10 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.25 Москва. «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». Кўрсатувда Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади. 19.55 Бир актёр театри. А. С. Пушкин. «Боғчасарой фонтани». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Хайтарма» татар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясн студентларининг ҳисобот концерти («Баҳор» концерт залидан трансляция вақтида ёзиб олинган). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Зося». Бадиий фильм. 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 Классик куй саҳифалари. 21.00 «Синфлар ва синфий қурашлар». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

9 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Қозогистон болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. 10.25 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Кичик чизмакаш». 11.35 «Ёшлар адреслари». 15.30 «Сувда хавфсизлик учун». Кинопрограмма. 16.00 «Пушкин театри». 2-кўрсатув. 16.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. «Эндшпиль». 17.15 «Москва ва москваликлар». 17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинградан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан оламида». 19.20 В. Моцарт. Ре мажор сонатаси. Халқаро конкурслар лауреати В. Крайнев ижро этади. 19.35 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар программаси. «Ленин Прагада», «Партиянинг Иккинчи съезди ҳақида ҳикоя». 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. «Бош конструктор». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 П. И. Чайковский номли VI халқаро конкурснинг тантанали очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун концерт. «Шаҳзода ва гадо». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ироннинг кундалиги». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 18.45 «Ишлаб чиқариш ревервари — беш йилликка». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Четен-Ингуш тоғларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Экранда — кинокомедия». «Осмон калити». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун Биология (рус.). 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. 20.00 «Сўзимизни иш билан оқлаймиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Абитуриентлар учун. Биология. 21.05 Балетлардан саҳналар. 21.35 Абитуриентлар учун. Физика. (рус.).

10 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ўсмирлар ижоди». 10.25 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. «Бош конструктор». 11.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.05 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 13.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Москванинг бадиий кўргазмаларидан репортаж. «Ангола Халқ Республикаси рассомлари». «Корнелиу Баба асарлари кўргазмаси (Руминия). «Р. Гуттузо расмлари кўргазмаси» (Италия). 15.45 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 16.15 «Пушкинга бағишланади». А. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан олиб кўрсатиладн. 17.30 «Ҳайвонот оламида».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сомбо». Мультфильм. 19.05 «1978 йил қўшиқлари». 19.35 «Вазият». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор— В. Розов. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Салом, фестиваль!» Ёшлар программаси. 23.30 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.15 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — Андижоиданмиз». Бадиий ҳаваскорлар коллективларининг чиқиши. 11.45 Абитуриентлар учун. «Ишони қандай ёзиш керак». 12.15 «Ота-оналар университети». 12.45 Мустай Карим. «Оловни ташлама, Прометей». Гафурий номли Бошқирд академик драма театрининг спектакли. 14.45 «Ўзбекистонда спорт» (рус.). 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бизнинг уйча». Болалар учун мультфильм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».

18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 18.45 «Ўзбекистон ягона оиладa». Краснодар ўлкаси ва Сурхондарё области шоликорларининг мусобақаси (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шеърият билан учрашув». Асқад Мухтор. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Мен — балерина». СССР халқ артисти Вернора Қориева ижоди ҳақида телевизион фильм-концерт. 21.20 «Кўёшли ўлка жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. М. Қорнёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концерти. 23.05 «Рақс оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Юлдузча». Октябрятлар учун программа. 18.05 Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Новости» информацион программаси. 19.00 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.00 «Ватанпарвар». 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Душанба кўрсатувлари. нинг охири.

11 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Заряд қага сафланинг!». 9.55 «Музикали киоск». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Болалар учун. «Капитан Немо». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.10 «Сигулдене» болалар ансамблининг концерти. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Италия —Аргентина терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 16.00 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов иштирок этади. 16.15 «Хатларингиз асосида». Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган музикали программа. 17.00 «Халқаро панорама». 17.35 «Цирк майдони оҳанглари» Фильм-концерт премьераси.

18.00 Мультфильмлар программаси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Пахоменко куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Буюк ортакчининг сири». Бадиий фильм (ЧССР). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «М. Балакирев романслари». Фильм-концерт. 22.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ҳамза номли Тошкент Давлат мусиқа билим юрти ўқувчиларининг ҳисобот концерти. 11.10 «Худойбердн полвон». Болалар учун мультфильм. 11.20 Телевизион театр. А. С. Пушкин. «Анжела». 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Бухоро область Гиждувон шаҳри ва Андижон область Ленинск шаҳри командаларининг учрашуви. 13.00 «Бепоён Ватаним менинг». «Находка». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 И. Ахбаров, Ж. Жабборов. «Ўжарлар». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг спектакли. 15.30 Реклама.

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Димканинг хўрозчаси», «Димканинг жаҳли чиқди». Болалар учун телевизион фильмлар. 18.05 «Малишок» программаси. 18.35 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». 18.55 «Ораста ки. йинайлик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Ҳизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.45 «Циркни севмай бўладими?». Цирк томошалари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қишлоқ хўжалик ходимларининг шу кунги вазифалари». 22.10 «Замон назм-навоси». Собир Абдулла. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Киргизистон телевидениесининг программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 16.50 «Премьерага йўл». Фильм-концерт. 17.20 «Новинки» киноклуби. 18.35 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». Киргиз тилида: 18.45 Енгил саноат ходимларига бағишланган концерт. 19.25 «Достон». «Кедейкан» поэмасидан парча. 20.15 «Езувчи ва ҳаёт». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Сандардин Чатаги». Биринчи киргиз мультфильмининг премьераси. Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати. Киргизистон ССР халқ ёзувчиси Ч. Айтматов кириш сўзи билан бошланади. 22.30 «Телеграммалар... Телеграммалар... Телеграммалар». Фильм-ревю (рус.). 23.40 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

АВТОСИФОНЛАРГА БАЛЛОНЛАР

Езнинг жазирама иссиқ кунларида бир стакан совуқ газ сувини ичиш жуда яхшидир, маиший автосифон ва газлаштиришни учун баллонлар бўлса уй шароитида муздек газ сувини тайёрлаш мумкин.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ФОЙДАЛАНИЛГАН БАЛЛОНЛАРНИ ТОПШИРИБ, УЛАРНИНГ ЎРНИГА ЯНГИЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1 — Пролетар кўчаси, 49-уй.
3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй.
6 — Энгельс кўчаси, 94-уй.
8—Черданцев кўчаси, 22-уй.
8/1 — Тошкент трактор заводи турар жой шаҳарчаси.
9/2 — Янгиобод массиви.
Айриев кўчаси.
10/1 Фарход ярмаркаси.
15 — Бешқайрағоч массиви. Уйғур кўчаси.
17 — Сергели (бозор).
19 — Уста Ширин кўчаси.
22 — Муқимий кўчаси, 4-уй.
25 — Навоий кўчаси, 24-уй.
35 — Октябрь бозори.
39 — Энгельс кўчаси, 46-уй.
49 — Морозов кўчаси, 25-уй.
50/2 — Майна Ҳасанова кўчаси.
60 — Боткин кўчаси, 7-уй.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА»
телепрессагентлиги.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
(Хадра майдони)
1978—79 ўқув йилида
ДАВЛАТ ЦИРК ВА ЭСТРАДА САНЪАТИ БИЛИМ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган, спорт тайёргарлигига эга бўлган маҳаллий миллат йигит-қизлари таклиф қилинади.

Справкалар олиш учун Тошкент Давлат циркининг кадрлар бўлимига соат 10.00 дан 17.00 гача учрашилсин.

Тошкент шаҳар, Оржоникидзе районидаги 1-мактаб томонидан Толипов Бахтиёр номига берилган 886114 номерли ўқувчи

ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ»
трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ

вентиляция системаларн монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар ва вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячилар н и тайёрлайдиган

З О Й Л И К
К У Р С Л А Р Г А
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8 — 10-синф ҳажмида маълумотли 17 яримдан 40 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

МАШҒУЛОТ ЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагонларни ремонт қилиш заводи қошидаги
155-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:

Узоқ манзилларга юрувчи пассажир вагонларн учун проводниклар. Ёши 17 яримга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Етоқхона билан таъминланмайдилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисослик бўйича 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисми бўйича слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, совутиш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар. Ўқиш муддати— 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, қийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процснти билан таъминланадилар.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар, темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни иттифоқимизнинг барча пунктларига текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, справкалар: медицина, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, 8 та фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Олтин соч». Мультфильм. 19.05 «Хатларингиз асосида». Мелиораторлар кунига бағишланган музикали программа. 19.50 «Лотин Америкаси — қитъа муаммолари». Кўрсатувда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди иштирок этади. 20.20 «Бола — болада». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — Бразилия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»— «Заря» (Ворошиловград). Пахтакор Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида кинофильм. 18.50 Рангли телевидение. Мактаб ўқувчилари учун. «Ўсмирлар ижоди». 19.20 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.35 Ҳужжатли фильм. 19.50 Нафосат оламида. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.20 Телефильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 Бадиий фильм. 23.40. Кўрсатувлар программаси.

4 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Заряд қага сафланинг!». 9.55 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 Болалар учун. «Капитан Немо». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.45 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». Мелиораторлар кунига бағишланган кўрсатув. 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Театр спектакли». И. А. Гончаров. «Оддий воқеа». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 16.55 Халқаро конкурс лауреати А. Ворошило куйлайди. 17.05 «Халқаро панорама». 17.35 «Дирижёр санъати». Фильм-концерт. Е. Мравинский туғилган кунининг 75 йиллигига.

18.45 Мультфильмлар программаси. 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Конилли мўъжиза». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Довюрак чигиртка». Болалар учун мультфильм. 10.20 Бухоро район «Ма...» колхози «Гулхайри» бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 11.00 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». 11.40 «Бепоён Ватаним менинг». «Ровно шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Педиатр маслаҳати». 13.10 «Камалак» программаси. 13.40 «Йўлбарс керак». Бадиий фильм. 14.45 «Шахмат мактаби». 15.15 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Бим, Бам, Бом ва бўри». Болалар учун мультфильм. 17.55 Кичкинтойлар учун. «Бой чечак». 18.25 «Ўзбекистон — ягона оилада». «Волгоград тупроғида» (рус.). 18.55 «Бугун — мелиораторлар куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбекистон мусиқа санъати намояндалари». Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Қорнёқубов туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Биз — Андижонданиз». Бадиий ҳаваскорлар коллективи ижро этади. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Киргизистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Экран — болаларга». 18.10 «Жанговар байроқдар». Телефильм. Киргиз тилида: 18.40 «Сайра қўмиз». 19.20 «Шибегс». Ҳажвий тележурнал. 19.50 Манасчи ва оқинларнинг республика кўриги қатнашчилари. Т. Акматалиев. 20.25 «Новинки» киноклуби. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қайғули муҳаббат баҳори». Бадиий фильм (рус.). 23.40 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союз комитети ва 95-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ш. Қосимовга рафиқаси—
Санда ҚОСИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ.

3 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; ёзилиш бўлими— 38-81-42.

Р. 07625. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1325.